

«Бурҳониддин Марғиновий илмий-маънавий мероси» мультимедиа лойиҳаси ташкил этилади



07:58 / 06.05.2025 895

Ислом оламининг йирик алломаларидан бири — Бурҳониддин Марғиновий ҳаёти ва илмий фаолиятини ёритишга қаратилган муҳим ташаббусни босқичма-босқич амалга ошириш режалаштирилмоқда. «Бурҳониддин Марғиновий илмий-маънавий мероси» деб номланган мультимедиа лойиҳаси орқали алломанинг бой илмий мероси кенг жамоатчиликка интерактив шаклда тақдим этилиши кўзда тутилган.

Лойиҳа доирасида Марғиновий ҳазратлари билан боғлиқ тарихий қадамжоларни аниқлаш, уларни таъмирлаш ва ушбу жойларнинг илмий-маънавий салоҳиятини очиб беришга алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, алломанинг энг машҳур асари — «Ҳидоя»нинг ислом ҳуқуқи ривожигаги ўрни, унинг илмий қарашлари ва фикҳий меросини тизимли тарзда ўрганишга доир фаолиятлар жамланади.

Мультимедиа лойиҳа доирасида видеороликлар, виртуал экскурсиялар, тарихий ҳужжатлар асосида яратилган интерактив контент ҳамда Бурҳониддин Марғиновий ҳаётига бағишланган ҳужжатли фильм ишлаб чиқилади. Тайёрланган материаллар Ислом цивилизацияси марказининг экспозициясига киритилади.